

## КОРХОНА ВА ОБЪЕКТЛАРНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг маълумотига кўра, 2017 йилнинг январь–июнь ойларида 169 та (дастур доирасидаги ва дастурдан ташқари объектларни кўшган ҳолда) корхона ва объектлар (кейинги ўринларда – объектлар) хусусийлаштирилди.

### Хусусийлаштиришнинг асосий кўрсаткичлари

	Хусусийлаштирилган корхона ва объектлар сони		Давлат активларини сотишдан олинган тушумлар,	
	бирлик	жамига нисбатан %да	млн.сўм	жамига нисбатан %да
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>169</b>	<b>100,0</b>	<b>109 907,5</b>	<b>100,0</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	14	8,3	2 750,4	2,5
вилоятлар:				
Андижон	10	5,9	1 807,5	1,6
Бухоро	6	3,5	3 163,6	2,9
Жиззах	2	1,2	3 15,4	0,3
Қашқадарё	3	1,8	3 944,3	3,6
Навоий	2	1,2	237,1	0,2
Наманган	30	17,7	6 676,9	6,1
Самарқанд	3	1,8	1 378,3	1,2
Сурхондарё	20	11,8	1 695,7	1,5
Сирдарё	1	0,6	992,9	0,9
Тошкент	50	29,6	11 169,4	10,2
Фарғона	3	1,8	3 285,8	3,0
Хоразм	11	6,5	986,8	0,9
Тошкент ш.	14	8,3	71 503,6	65,1

Ҳисобот даврида энг кўп хусусийлаштирилган объектлар сони Тошкент вилоятида 50 тани (жами республика бўйича хусусийлаштирилган объектлари умумий сонининг 29,6 фоизи), Наманган вилоятида – 30 тани (17,7 фоиз), Сурхондарё вилоятида – 20 тани (11,8 фоиз), Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида 14 тадан (8,3 фоиз), Хоразм вилоятида – 11 тани (6,5 фоиз), Андижон вилоятида – 10 тани (5,9 фоиз) ташкил этди.


### Вазирлик ва идоралар кесимида хусусийлаштирилган давлат оюъектларининг таркиби (бирликда)



Хусусийлаштирилган давлат мулки объектлари таркибида энг кўп улуш маҳаллий ҳокимиятларга 115 та объект (республика бўйича жами хусусийлаштирилган объектларнинг 68,0 фоизи), Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Халқ таълим вазирлигига – 19 тадан объект (11,2 фоиз), Молия вазирлиги ва “Навоий кон металлургия комбинати” ДК га – 3 тадан объект (1,8 фоиз) тўғри келади.

2017 йилнинг январь–июнида давлат мулкани сотишдан тушган тушумлар 109,9 млрд. сўмни ташкил қилди.

#### Республика ҳудудлари кесимида давлат мулкани сотишдан тушган тушумлар таркиби



Ҳудудлар кесимида давлат мулкани сотишдан тушган тушумларнинг асосий қисми Тошкент шаҳрига (барча тушумларнинг 65,1 фоизи), Тошкент (10,2 фоиз), Наманган (6,1 фоиз), Қашқадарё (3,6 фоиз), Фарғона (3,0 фоиз), Бухоро (2,9 фоиз) вилоятларига ва Қорақалпоғистон Республикаси (2,5 фоиз) ҳиссасига тўғри келади.